

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ЖАЛД СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2001 йил 10 март шанба Сотувда эркин нархда № 50 (2612)

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING GAZETASI



«Дили покнинг — йўли пок», дейди дошизмандлар. Зеро, пок ниятла, бутун ўлкамизни ям-яшил боғроғларга айлантираётганлар ҳеч қачон кам бўлмайдилар. Уларни эл алқайди.

Андижон шаҳрини сулар шаҳрига айлантириш ҳақидаги вилоят ҳокимлигининг ташаббуси бу ердаги барча жамоада қизгин қуватланди. Айни кунларда вилоятда ободонлаштириш ва кўсалмазорлаштириш ишлари авж олган. Суратқашимиз Тоҳиржон Ҳамроқулов тасвирга туширган лавҳаларга боқиб кўзингиз қувнайдисиз, дил яйрайди. Маликхон Исоқова ўзи етиштирган сулар билан фахрланса, шаҳар коммунал хизмати ишчилари Иқболжон Йўдошев ва Мухтарамхон Тожибоевалар эса «Болалар боғи»га янги нав кўчатларини ўтказишмоқда. Муҳими, улар ўзлари қилаётган ишларнинг нечоғли савобли эканини яхши тушунишади.



## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида

9 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлди

Йиғилишни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов олиб борди. Кенгаш аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва унинг раҳбариятининг 2000 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни ҳамда илгари сурилган стратегияси асосида ҳамда парламент иккинчи сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси кўмиталари ва комиссияларининг 2000-2002 йилларга мўлжалланган қонунчилик ва назорат фаолияти устуворликлариغا мувофиқ олиб борилганлиги алоҳида таъкидланди.

2000 йил — иккинчи қақриқ Олий Мажлис фаолиятининг биринчи йили бўлишига қарамай, ўтказилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий негизини янада мустаҳкамлаш борасида янги депутатлар корпуси катта ишларни амалга оширди. Парламентнинг бўлиб ўтган тўртта сессиясида 23 та қонун, 113 та қарор қабул қилинди, 18 та шартнома, битим ва конвенциялар ратификация қилинди, 59 та қонунга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилди. Утган йили Олий Мажлис кўмиталари ва комиссиялари қонун ҳужжатлари, конвенциялар, Миллий дастурларнинг бажарилиши устидан назорат тартибидеда 58 та масалани кўриб чиқдилар.

Қонунларни яратиш ва қабул қилинган ҳуқуқий нормалар ижроси устидан назорат қилиш Олий Мажлис фаолиятининг устувор йўналишлари бўлиб қолмоқда. Парламентлараро алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, шахсининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, халқро ҳуқуқ нормаларини ўрганган ҳолда

амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингини ўтказиш, жойларда вакиллик ҳокимияти органларига амалий ёрдам кўрсатиш ҳам парламент ишининг ижтимоий жиҳатдан муҳим йўналишларига айланди. Бундан ташқари Олий Мажлис депутатлари мамлакат раҳбариятининг Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашга, ҳуқуқий демократик давлат барпо этишига қаратилган йўлини омвий ахборот воситалари орқали ҳамда ўз сайлов округларига ўтказилган учрашуларда тушунтириш борасида катта иш олиб бордилар.

Кенгашда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг 2000 йилдаги иши тўғрисидаги ҳисобот ҳам муҳокама этилди. Ингилиш қатнашчилари шуни таъкидлаб ўтидиларки, мазкур институт қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, уларни илмий экспертизадан ўтказиш, амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларининг қўлланилиши амалиётини ўрганиш, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни такомиллаштиришга доир тавсиялар ишлаб чиқиш борасида илмий таъкидларни қўллашга алоҳида эътибор берилди.

Шу билан бир қаторда Олий Мажлис Кенгаши Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингини институтини фаолиятидаги қатор камчиликларини ҳам кўрсатиб ўтди. Хусусан, қонун лойиҳаларини тайёрлаш ҳамда қабул қилинган ҳуқуқий нормалар ижроси устидан назорат қилиш жараёнида Олий Мажлисининг кўмиталари ва комиссиялари билан ишларни талаб даражасида мувофиқлаштириб бориш ҳамон таъмин этилмади. Қонун яратиш ва ҳуқуқий амалиётда қўллаш жараёнида юзата келадиган муаммолари масалаларини илмий таъкид этиш самаралорини оширишга, халқро ҳуқуқ нормаларини миллий қонун ҳужжатларига жо этиш ишларига старли даражада эътибор берилмапти.

### Бозор сабоқлари

#### Қурилиш соҳасидаги ҳамкорлик

«Тошкент қурилиш материаллари комбинати» акционерлик жамиятида ўрнатилган Италиянинг «Сити» фирмасининг исти-сослашган линияси бинонинг ички ва ташқи безагига ишлатиладиган, жаҳон андозлари талабларига жавоб берадиган мрам-мар ва сопол плиталар ишлаб чиқариш имконини беради. Импорт ўрнини босадиган ушбу маҳсулот ҳажми доимий равишда кўпайтириб борилаётган.

### Мамлакатимизда

#### Конституцияни ўрганиш маркази

Наманган Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультети қошида Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш маркази ташкил этилди. Унинг таъини олиш маркази маърузаларини ўрганишнинг муҳим ҳақида суғурилади.

### Жума хабарлари

#### Янгиликлар, воқеалар, фактлар

Ассалом, футбол! Бутун футбол бўйича мамлакат ўзининг чемпи-онати мусобақалари бош-ланади. Республикама-зининг тўққизта шахрида биринчилик байроқлари кўтарилади.

## САМИМИЙ КЎТЛОВЛАР

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу Муборак Ийд ал-Адҳо кириб келиши муносабати билан Саудия Арабистони Подшоҳлиги халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номидан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларим ва эзгу тилакларимни йўллашдан бахтиёрман.

Фахд бин Абдулазиз ол САУД, Саудия Арабистони Подшоҳи.

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Муборак Ийд ал-Адҳо кириб келиши муносабати билан Жазоир халқи ва шахсан ўз номидан Сизга биродарона табрик ва эзгу тилакларимни йўллаш менга мамну-ният бахш этди. Қодир Аллоҳдан ушбу муқаддас онлар-да барчамизга сийҳат-саломатлик, яхшилик ва барокот, буюк умматимиз халқларига мавжуд тўсиқлар ва келгуси-да вужудга келиши мумкин бўлган таҳдидларга қарши ту-ришда уларнинг бирлигини янада мустаҳкамловчи ҳам-жихатлик, бирдамлик ва хайр-барокот ато этишини сўрай-ман.

Абдулазиз БУТЕФЛИКА, Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти.

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Муборак Ийд ал-Адҳо муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига қизинг табрикларимни йўллаш менга мамну-ният бахш этди. Сиз, Жаноби Олийларига бахт-саодат, мамлакатингизнинг биродар халқига эса давомий тарақ-қий тилайман.

Зонд бин Султон ол НАҲАЁН, Бирлашган Араб Амирликлари Президенти.

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари, Муборак Ийд ал-Адҳо муносабати билан Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги халқи, ҳукумати ва ўз номидан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларимни йўллайман.

Абдуллоҳ ИККИНЧИ, Иордания Подшоҳи.

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Муборак Ийд ал-Адҳо байрами кириб келиши муноса-бати билан Сизга ва дуст ўзбек халқига Сурия халқи ва шахсан ўз номидан самимий табриклар йўллашдан бах-тиёрман.

Башар ал-АСАД, Сурия Президенти.

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Ҳаж ва у билан боғлиқ тоат-ибодатлар даври кириб келиши муносабати билан Сизга ва Ўзбекистон халқига табрикларимни йўллашдан ва барчангизга қувончи Ийд ал-Адҳо тилайман.

Қобус бин САИД, Уммон Султони.

В. ДРАЧЁВ, ЎЗА мухбири.

Султонваёс ва Қоратов тизмаларининг Қораўзақ туманига қарашли Тобинбу-

«Халқ сўзи» мухбири.

### Ер юзида

#### Партиялар яқдилликка эришди

Руминиядаги бир қатор етакчи сиёсий партиялар мамлакатнинг НАТОга ки-риш йўлидаги савий-ҳаракат-ларини қўллаб-қувватловчи қўшма баёноти эълон қил-ди. Мазкур ҳужжатда баён этилишича, Руминиядаги барча сиёсий қўшма баён-дилари келуси йили Пра-гада ўтказилажак НАТО саммитида қўл келадис.

#### Италия парламенти тарқатилди

Қуни кеча Италия пре-зидентни Карло Чампи мамлакат парламентини тарқатиб, республикада янгида сайловлар ўтқа-зилаётганини баён қилди. Ҳозирча мазкур сиёсий тадбир мuddати ноаниқ. Парламентга ўтказилади-ган сайлов куни буенг мам-лакат раҳбари ва Бош ва-зир Жулиано Амато билан режлаштирилган муло-қотдан сўнг аниқ бўлади.

#### Вазирлар истеъфога чиқарилди

Парагвайда бир вақтинг ўзида адлия, саноат ва сав-до ҳамда меҳнат вазирла-ри мамлакат президентни Лис Анхель Гонсалес Мак-кига қилган тўхтатиш учун истеъфога чиқарилади. Ва-зирларнинг сўзларига қара-ганда, ҳукумат раҳбари кон-

В. ДРАЧЁВ, ЎЗА мухбири.

Султонваёс ва Қоратов тизмаларининг Қораўзақ туманига қарашли Тобинбу-

«Халқ сўзи» мухбири.

Қобус бин САИД, Уммон Султони.





